

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

фанидан

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Олий таълимнинг 340000 - «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги

5A340701 – “Кредит”

5A340702 – “Халқаро банк иши”

5A340703 – “ХВКМ”

5A340704 – “Пул муомаласи ва монетар сиёсат”

5A340705 – “Банк ва кредит таваккалчилиги”

5A340706 – “Банк менежменти ва маркетинги”

5A340707 – “Банк аудити”

5A340708 – “Банкларда қимматли қоғозлар операцияси” магистратура мутахассисликлари учун

Тузувчи: проф. Ш.З.Абдуллаева.

Такризчилар :доц. И. Муругова,
 доц. С. Норқобилов.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” асосий фанлардан бири бўлиб, унда иқтисодчи кадрларга ўз соҳасини, мутахассислигини чуқур билишдан ташқари мутахассислик фанларини ўқитиш, улар бўйича педагогика ва педагогик маҳорат асосларини ўзлаштириш, аудитория билан ишлашни йўлга қўйиш ва бошқалар ўргатилади.

Курс «Методика преподавания специальных дисциплин» является одним из основных курсов.

Данный курс дает возможность студентам познать сущность и диапазоны деятельности будущей профессии. Дает возможность изучения основ организации и проведения учебных занятий по специальным дисциплинам, организации самостоятельной работы со студентами и способствует формированию у них педагогических навыков.

Professional subject is one of the most favorite subject in educational methods, this methods consist of not to teach only professional subject and also teaching and educational skills too.

The aim of teaching economists by this kind of education are to creat base of pedagogical skill and efficient activity of their work during teaching in grade, middle and special institutes.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома)

1. СЎЗ БОШИ

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифаси

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши иқтисод соҳасини чуқур билувчи кадрлар тайёрлаш зарурлигини тақозо қилади. Иқтисодчи кадрлар ўз соҳасини, мутахассислигини чуқур билишдан ташқари мутахассислик фанларини ўқитиш, улар бўйича педагогика ва педагогик маҳорат асосларини ўрганиши, аудитория билан ишлаш кўникмасига эга бўлишлари лозим.

Талабанинг мутахассис фанларни ўқитиш методикаси фани бўйича билим даражасини оширмасдан бундай талабларга жавоб бера оладиган иқтисодчи - педагогни амалда тайёрлаш мумкин эмас.

Иқтисодчиларга бу фанни ўргатишдан асосий мақсад уларнинг иқтисодий йўналишдаги олий, ўрта махсус билим юртларида педагог сифатида фаолият кўрсатишига замин тайёрлаш ҳамда педагогик фаолиятининг самарали бўлишини таъминлашдан иборат.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича магистратура талабаларининг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Магистратура таълим йўналишлари учун “Махсус фанларни ўқитиш методикаси”ни фани бўйича талаба қуйидагиларни билиши зарур:

- - “Банк иши” мутахассислиги бўйича ўқитиладиган фанларнинг асосий мавзуларини ва уларнинг моҳиятини;
- - мутахассислик фанларининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини;
- - олий ўқув юртларида мутахассислик фанларини ўқитиш хусусиятларини;
- - ўқитиш жараёни ва унинг босқичларини;
- - маъруза дарсларига тайёрланиш, уларни сифатли ўтказиш асосларини;
- - семинар (амалий) дарсларга тайёрланиш ва уларни сифатли олиб боришни;
- - мутахассислик фанлар бўйича иш ўйинлари олиб бориш ва бошқа замонавий услубларда дарслар олиб боришни;
- - ўқитиш ва тарбияланишнинг узвий боғлиқлигини таъминлашни;
- - муаммоли ўқитиш, унинг усулларини англай олишни;
- - талабаларнинг (магистрантларнинг) билимини аниқлаш шаклларини;
- - ўқитиш жараёнида янги техника ва замонавий технологиялардан фойдалана олишни.

Қуйидаги уқув ва кўникмалар шаклланиши лозим:

- - дарс жараёнининг боришини назорат қила билиш;
- - аудитория билан узвий алоқада бўлиб, уни бошқариш;
- - талаба (магистрант)ларнинг билимини нисбийликда таҳлил қила билиш;
- - илмий иқтисодий адабиётларни мустақил ўрганиши ва бошқалар.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

Махсус фанларни ўқитиш методикаси курси «Банк иши», «Монетар сиёсат», «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва тўлов тизими», «Педагогика» ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Фанни ўқитишдаги янги технологияларнинг таркибий қисмлари:

1. ўқув жараёнларини амалга оширишда турли хил технологиялардан фойдаланиш - назорат (тест) топшириқларига кўчириш, эссе, аннотация, иш ўйинлари, вазиятли ўйин;
2. ўқув мақсадларига эришиш;
3. режалаштирилган мақсадларга эришишни баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш ва бошқа усулларни ташкил қилиш тавсия қилинади.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Махсус фанларни ўқитиш методикаси" курси магистрантларда 2 - семестрда ўқитилади. Магистратурада бу фан бир семестр ўқитилиб, унда банк ишини ўргатувчи фанларнинг асосий мавзулари чуқур баён қилинади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Олий касбий таълимнинг Давлат стандартларига асосан магистратурада мазкур курсга 60 соат, шундан 20 соат маъруза, 20 соат семинар машғулоти, 20 соат мустақил таълимга ажратилган.

Мазкур фан бўйича олинган билимлар институтни тамомлагандан сўнг кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда, кишилар билан муносабат ўрнатишда, малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ илмий - педагогик фаолият олиб боришда кўл келади.

2. ФАН ДАСТУРИ

“Банк иши” фанидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси

Маъруза - ўқитиш жараёнининг асосий шакли сифатида. *Маърузага тайёргарлик кўриш босқичлари.* Маъруза режасини тузиш, материаллар йиғиш, маърузанинг таркиби ва ўрганиладиган саволларнинг асосий мазмунини аниқлаш, кўшимча саволлар тузиш, маърузанинг кўшимча қисмини шакллантириш. *Маъруза матни,* унга қўйиладиган талаблар. Маърузани тайёрлашда расмий ҳужжатлардан (қонунлар, фармонлар, йўриқномалар, Марказий банк ва тижорат банкларининг меъёрий ҳужжатларидан), махсус адабиётлардан самарали фойдаланиш қоидалари. *Маъруза материалларида муаммоли масалаларни қўйиш ва уларни ечиш йўллари.* Маърузада слайдлар, жадваллар келтириш ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш, маъруза давомида ўқишда аудитория билан доимий алоқада бўлиш усуллари.

Маъруза материалларини аудиторияга етказишда *янги замонавий технологиялардан фойдаланиш* ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш йўллари.

Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси

Семинар (амалий) машғулотлари талабаларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш асоси сифатида.

Семинар машғулотининг *мақсади ва вазифасини* аниқлаш.

Семинарларга тайёргарлик кўриш босқичлари, адабиётлар, амалий материаллар танлаш, уларни ўрганиш ва аудиторияга етказиш усуллари. Мавзунини асосий саволлар ва микросаволларга ажратиш. Ўрганилаётган саволларнинг мантиқий бирлигига эришиш усуллари. Семинар олиб боришда кўргазмани курашлардан фойдаланиш йўллари. Семинарни олиб боришда давра суҳбати, савол - жавоб, иш ўйинлари, мунозаралар, ўзаро баҳслашувлар ва бошқа усулларни қўллаш методикаси.

“Банк иши” фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«*Банк иши*» фани бўйича маърузалар тайёрлашда эътибор берилиши лозим бўлган *муҳим саволлар ва тушунчаларни танлаш*. Банк тизимининг юзага келиши, банк тизимининг поғоналари, банкларнинг вазифалари ва функциялари, ларнинг операциялари, тижорат банкларининг ресурслари, уларнинг депозит ва кредит сиёсати, миқдорларни кредитлашнинг асослари, қисқа муддатли кредитлаш асослари, тижорат банкларининг воситачилик операциялари, банк рисклари, банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилиги, банкларнинг даромади ва харажатлари.

Мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш мавзуси бўйича маъруза ўтиш услуби

Пул таклифи, пулга талаб ва пулнинг барқарорлигини билиш, хусусиятларини асослаш йўллари ва *уни таъминлаш омиллари*, уларни таҳлил қилиш, пул массаси ва унинг ўзгариш шаклларини аниқлаш, пул агрегатларининг турли мамлакатларда ва Ўзбекистонда қўлланилишини ҳамда уларнинг тафовутларини асослаш усуллари, ялпи миллий маҳсулотнинг номинал ҳажми билан пулга бўлган талабнинг тўғридан - тўғри ўзаро боғлиқлиги, пул бозорининг мувозанатини ушлаб туриш йўллари. Ўтиш жараёнида талабаларга *пул, «квази пул», пул миқдори, қозғош пуллар, пул массаси, пул агрегати, талаб қилиниши билан бериладиган депозит, чек жамғармаси, қисқа муддатли (тез олинадиган) жамғармалар, жамғарма*

маблағлар, акция, облигация, депозит сертификати, ипотека варағи ва бошқа категорияларни эркин тушунишларига эришиш усуллари. Марказий банкнинг пул - кредит сиёсати, монетар сиёсат, унинг асосий дастаклари моҳиятини тушунтириш учуллари.

Банклар ва пул тизими мавзусида дарс олиб бориш услублари

Жаҳон банк тизими амалиёти, унинг ташкил топиш тамойиллари, уларни тузилиши услублари. Кредит тизимининг асоси бўлмиш тижорат банкларнинг ташкил қилиниши асослари ва уларнинг пул сақлаш ва инвестиция қилиш, воситачи сифатидаги фаолиятини, тижорат банкнинг баланс ҳисоботидаги асосий элементларни ўрганиб чиқиш, эмиссиянинг турларини аниқлаш, жамғарма – чек эмиссияси механизмини, банк резервлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар моҳиятини аниқлаш йўллари, *мажбурий ва ортиқча резервлар* тушунчасини аниқлаб бериш, тижорат банкларининг ссуда бериш (қайтиб олиш) да лимит чегарасини кўрсатиш, банк ссудасини берганда (қайтиб олганда) пул массасининг кўпайиши ёки камайиши механизмини ўрганиш, *пул “мультипликатори”* тушунчасининг моҳиятини очиб беришда қўлланиладиган назариялар мавзуларини ўтиш жараёнида банк фаолиятининг асосий атамалари, банк мажбурияти, банк капитали, тижорат банкларининг баланс ҳисоботи, мажбурий резервлари, нақд пул, депозит - чек эмиссияси, валюта алмашувини бошқариш каби тушунчаларнинг моҳияти ва қўлланилиш имкониятларини очиб бериш услублари.

Тижорат *банкнинг баланс ҳисоботини* тузиш, мажбурий резервлар нормаси ўзгаришини ўрганганда қандай қилиб банк балансининг ҳисоботини кўриб чиқиш лозимлигини асослаш, пул мультипликаторини ҳисоблашга ўргатишда масалалар ечиш, тест саволларини қўллаш, давра суҳбатлар, диспутлар ташкил қилиш методикаси.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш мавзусида дарсни ташкил қилиш услублари

Банк муассасаларида юритиладиган *бухгалтерия ҳисоби*, унинг мазмуни ва аҳамияти, банк операцияларини ҳисобга олиб бориш билан шуғулланувчи бўлим ва унинг таркибий тузилиши, *банк томонидан бажариладиган*

операциялар ва уларнинг банк балансларида акс эттирилиши, *банкларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси*, бухгалтерия ҳисобида аналитик ва синтетик ҳисоблар, *банк операцияларини қозғосиз бажариш* усуллари, *нақд пулсиз ҳисоб - китоблар*, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган саволларни ёритганда нақд пулсиз ҳисоб - китоблар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг шакллари, *тўлов топшириғи* бўйича ҳисоб - китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши, ҳисоб - китобларнинг аккредитив шакли бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш, инкасса топшириғи бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартибини ўргатишда намунавий бланкалардан фойдаланиш, *банклараро ҳисоб - китобларни ташкил қилиш*, ҳисобга олиш ва расмийлаштириш борасида банклараро ҳисоб - китобларни асослашда аналогик методлар мавзуларини ўрганишда *электрон тўловлар тизимининг* жорий этилиши, унинг мазмуни ва аҳамияти, бир ҳисоб маркази ичидаги банклараро ҳисоб - китоблар, турли ҳисоб марказлари ўртасида банклараро ҳисоб - китобларнинг ташкил этилиши. Банкларнинг вакиллик ҳисоб варақалари, уларни юритиш тартибини методик жиҳатдан тушунтириш жараёнида *тижорат банкларнинг операциялари ҳисоби ва расмийлаштирилиши*, банкларда касса ишларининг ташкил этилиши, операцион кассалар ва уларнинг турлари, банклардаги кирим касса ва чиқим касса операциялари моҳиятини, *банкларда кирим касса операцияларини ҳисоби* ва расмийлаштирилиши, пул чеклари ёрдамидаги касса чиқим айланиши ва расмийлаштирилиши йўлларини очиқ бериш усуллари.

Мутахассислик фанини ўқитишда кўргазмали қурооллардан ва техник воситалардан фойдаланиш методикаси

Дарс олиб бориш жараёнида кўргазмали қуроолларнинг роли ва аҳамияти. Кўргазмали қурооллар турлари, улардан самарали фойдаланиш йўллари. Уларни дарсга, маърузаларга тайёрлаш. Слайдлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, жадвал ва схемалар тузиш, улардан фойдаланиш методикаси. Техник воситалардан фойдаланиш усуллари.

Мустақил иш ва мустақил таълимни ташкил қилиш методикаси

Ўқув жараёнида талабаларнинг назарий билимларини чуқурлаштиришда мустақил иш ва мустақил таълимнинг аҳамияти. Мустақил иш режасини тузиш, уни тайёрлаш усуллари. Мустақил таълимни олиб бориш бўйича

мавзулар, уларнинг режаси, шакллари. Маърузалар тайёрлаш, рефератлар ёзиш, давра суҳбатлари ўтказиш, библиографиялар тузиш қоидалари.

Мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш

Нazorat турлари. Семинар машғулот, ёзма ишлар, таянч иборалар бўйича ёзма ишлар, тестлар, мунозара, баҳслашув, синовлар ўтказиш усуллари. Талабаларнинг давомати, фаоллиги ва бошқа омилларга эътибор бериш, жорий, оралиқ, якуний назорат натижаларини муҳокама қилиш ва бошқа баҳолаш мезонларидан фойдаланиш усуллари.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

“Банк иши” фанидан семинарга тайёргарлик кўришнинг умумий методикаси

Семинар - ўқиш, билимларни баҳолаш жараёнининг асосий шакли сифатида. Семинарда ўрганиш учун саволлар тузиш ва уларнинг изчиллигини ҳозирги куннинг долзарб муаммолари билан боғлиқлигини таъминлаш усуллари. *Семинарда тайёргарлик кўриш босқичлари:** семинар режасини тузиш, материаллар йиғиш, семинарнинг таркиби ва унда кўриладиган саволларнинг асосий мазмуни, қўшимча ва муаммоли саволлар, семинарнинг қўшимча қисми. *Семинар материалларида муаммолар қўйиш* ва уларнинг ечимини топиш йўллари кўрсатиш усуллари.* Семинарда слайдлар, жадваллар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш, уларни дарс жараёнида фаол ишлатиш, *аудитория билан доимий алоқа ўрнатиш* усуллари.*

Семинар машғулотларини олиб бориш, тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш методикаси

Семинар машғулотлар талабаларнинг назарий жиҳатдан олган билимларини амалий жиҳатдан мустақкамлашга асос бўлувчи жараён сифатида.

Семинар машғулотини олиб боришда семинарнинг мақсади ва вазифасини аниқлаш йўллари. Маъруза билан семинарнинг узвий боғлиқлигини, ўрганиладиган саволларнинг мантиқий бирлигини таъминлаш зарурлиги.

Семинарларга тайёргарлик кўриш усуллари. Адабиётлар, амалий материаллар танлаш, уларни ўрганиш ва моҳиятини аудиторияга етказиш усуллари. Мавзунини асосий саволлар ва микросаволларга ажратиш, саволларни кўриш бўйича вазиятни тақсимлаш йўллари. Семинар олиб боришда кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш усуллари. Талабаларнинг семинарда

тайёргарлигини, уларнинг билим даражасини, ҳозиржавоблиги ва дарсга фаол иштирокини баҳолаш. Семинарни олиб бориш усуллари. Давра суҳбати, савол - жавоб, иш ўйинлари, баҳс - мунозаралар ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси.

“Банк иши” фани бўйича асосий мавзуларда семинар ўтиш методикаси

Банкларнинг ривожланиши; банк тизимининг юзага келиши; банк тизимининг поғоналари;* банкларнинг вазифа ва функциялари;* уларнинг операциялари;* тижорат банкларининг ресурслари. уларнинг депозит ва кредит сиёсати; мижозларни кредитлаш;* қисқа муддатли кредитлаш асослари; тижорат банкларининг воситачилик операциялари; банк рисклари; банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилиги; банкларнинг даромади ва харажатлари мавзуларини ўқитиш методикаси.*

Мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш мавзуси бўйича семинар ўтиш услуби

Пулнинг моҳияти, пул таклифи, пулга талаб ва уларнинг нархини билишга эътибор бериш, пул массаси ва унинг ўзгариш шакллари аниқлаш лозимлиги, пул агрегатларини кўриб чиқиб, уларни ҳар хил мамлакатларда ва Ўзбекистонда қўлланилишини ва фарқларини тушунтириб бериш усули. Пул бозорида талабга таъсир этувчи омилларни аниқлашда қўлланиладиган усуллар.**

Янги миллий маҳсулотнинг номинал ҳажми билан пулга бўлган талабнинг тўғридан - тўғри ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш усуллари. Пул бозорининг мувозанатини ушлаб туриш чора - тадбирлари. Мавзунинг ўзлаштириш жараёнида пул, «квази пул», пул миқдори, қоғоз пуллар, пул оғирлиги (массаси), пул агрегати, талаб қилиниши билан бериладиган депозит, чек жамғармаси, қисқа муддатли (тез олинадиган) жамғармалар, жамғарма маблағлар, акция, облигация, депозит сертификати, ипотека варағи ва бошқа категорияларни тушунтириш методикаси.**

Материални ўзлаштириш сифатиини аниқлаш мақсадида тестдан фойдаланиш, савол - жавоб ўтказиш услуби.

Банклар ва пул тизими мавзусида дарс олиб бориш услублари

Жаҳон банк тизими, унинг ташкил топши тамойиллари, кредит тизимининг асоси бўлмиш тижорат банкларнинг ташкил қилиниши асослари ва уларнинг пул сақлаш, инвестиция қилиш, воситачи сифатидаги функциялари, тижорат банкнинг баланс ҳисоботидаги асосий элементларни

ўрганиб чиқиш, эмиссиянинг турларини аниқлаш, жамғарма – чек эмиссияси механизмини кўриб чиқиш,* банк резервлари томонидан амалга ошириладиган операциялар моҳиятининг усуллари.*

Мажбурий ва ортиқча резервлар тушунчасига бериш, тижорат банкларнинг ссудасини берганда (қайтиб олганда) унинг чегарасини кўрсатиш методикаси. Банк ссудасини берганда (қайтиб олганда) пул массасининг кўпайиши ёки камайиши механизмини мустақил ўрганиш усуллари.

*Банк мажбурияти, банкнинг капитали, тижорат банкларнинг баланс ҳисоботи, мажбурий резервлари, ортиқча резервлари, амалдаги резервлари, нақд пул, депозит - чек эмиссияси, валюта алмашувини бошқариш каби усуллари. моҳиятини талабаларга етказиш усуллари.**

Тижорат банкининг баланс ҳисоботини тузиш, мажбурий резервлар нормаси ўзгаришини ўрганганда қандай қилиб банк балансининг ҳисоботини кўриб чиқиш лозимлигини асослаш, пул мультипликаторини ҳисоблаш. Мавзуларни ўрганиш давомида тест саволларини қўллаш, давра суҳбатлари, баҳс - мунозаралар ташкил қилиш усуллари.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича семинар олиб бориш методикаси

Банкларда юригиладиган бухгалтерия ҳисоби, унинг мазмуни ва аҳамияти, халқ хўжалигининг турли тармоқларига қарашли корхоналарда юригиладиган бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларини тушунтиришда қўлланиладиган усуллар. Бухгалтерия бўлими, унинг бошқарилиши, бухгалтериянинг ўзи қандай гуруҳлардан иборат эканлиги, бўлим ходимлари тўғрисида батафсил ахборот берилиши лозим. Кўргазмали қурол асосида банк ҳисоб варақлари режасининг умумий тузилишини тушунтириш усуллари.

Аналитик ва синтетик ҳисоб материаллари нусхаларини ва бошқа ҳужжатларни талабаларга мустақил равишда тўлдиришга ўргатиш. Семинар дарсида ўқитувчининг мавзуга доир саволларни савол - жавоб шаклида ўзлаштириш усули, нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг шакллари бўлган тўлов топшириғи, тўлов талабномаси, аккредитив ва инкассо топшириғи шакллари бўйича ҳужжатлар айланишини кўрсатувчи схемалардан фойдаланиш методикаси.

Семинар машғулотида талабаларни гуруҳларга бўлиб ишлаш усули. Республикада ҳисоб - китобларни ташкил этиш соҳасидаги муаммолар бўйича

гурухлар ўртасида баҳс ўтказиш усули. Накд пулсиз ҳисоб - китобларнинг ҳар бир шакли бўйича алоҳида масалалар ечиш.

Электрон тўловлар тизими тушунчаси, унинг зарурлиги, аҳамиятини очиб бериш, ҳисоб - китоб марказлари фаолияти, уларда бажариладиган операциялар ҳисоби, ҳисоб - китоб марказидаги операциялар ҳисобининг тижорат банклари операциялари билан ўзаро алоқадорлиги, банкларнинг вакиллик ҳисоб варақалари, уларнинг юритилиши, ички ва ташқи вакиллик ҳисоб варақалари, уларни солиштириш мавзуларини ўтиш, дарс жараёнида интерактив методлардан фойдаланиш методикаси. Ферерат, эссе, аннотациялар муҳокамаси методикаси.

Иш ўйинлари, муаммоли вазиятлар, тестлар тузиш методикаси ва улар ёрдамида дарс олиб бориш, талабалар билимини аниқлаш методикаси.

Лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс (лойиҳа) ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН - ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Интернет сайтлари: WWW.bizbook.ru, www.chtivo.ru

Аудио - видео жихозлар. - Мавзуга бағишланган видео кассеталар.

Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар:

- - «Банк иши» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси мавзуси бўйича 2та слайд;
- - мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш мавзуси бўйича маъруза ўтиш услубига доир 3та слайд;
- - банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш мавзусида дарсни ташкил қилиш услубларига доир 2 та слайд;
- - мустақил иш ва мустақил таълимни ташкил қилиш методикаси бўйича 2та слайд.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат қилиш турлари

Фан бўйича магистратура талабаларининг ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар бўйича амалга оширилади:

- - жорий баҳолаш(ЖБ);
- - оралик баҳолаш(ОБ);
- - якуний баҳолаш(ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун ажратилган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ “ёзма иш” усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби “Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида” “қзма иш” усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба кониқарли ўқиётган деб ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. - Т., Ўзбекистон, 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. - Т.: Адолат, 1996.

6. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» - Т., «Ўзбекистон», 1997.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 1995.
8. Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: принципы функционирования. – С - Пб., 2001.
9. Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: основные принципы функционирования. - М., 2001.
10. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма - Т.: Молия, 2000.
11. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. - Т.: Молия, 2000.
12. Абрамова Г.С. Психология только для студентов. Учеб. пос. - М.: ПЕРСЭ, 2001.
13. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учеб. пос. - М., 2001.
14. Александрова Н.Г. и др. Банки и банковская деятельности для клиентов. – С - Пб.: Питер, 2002.
15. Андросов А.М. Финансовая отчетность банка. - М., 1996.
16. Артемов Н.М. Валютный контроль. - М., 2001.
17. Ахборот технологиялари ва интернет - Т., 2001.
18. Богаров В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций. - М., 2001.
19. Бабичева Ю.А. Анализ баланса банка. - М., 1996.
20. Бунмен Г.В, Золотая Валюта пониманию к макроэкономике государства и мира. – М., 2000.
21. Буянов В.П. Алексеева Д.Г. Анализ нормативного обеспечения банковских расчетов. - М.: Экзамен, 2002.
22. Бабичева Ю.А. Банковское дело. - М., 1995.
23. Башерин Г.П. Начало финансовой математики. - М., 1997.
24. Ваурин П.И. Методика подготовки и процедура защиты дипломных работ по финансовым и экономическим специальностям. Учебное пособие. –М., 2001.
25. Викулин А.Ю. Антимонопольные регулирования рынка банковских услуг. Учебное пособие. - М., 2001.
26. Виноградова Т.Н. Банковские операции: Учеб. пос. – Ростов: Феникс, 2001.
27. Вощенко Т.В. Математика финансового менеджмента. - М.: Перспектива, 1996.
28. Готе М. Методика преподавания. - М., 1998.
29. Деньги, кредит, банки: Учебник/Под ред. О.И.Лаврушена. 2002.

30. Дихтяр В.И. Банковские услуги предприятию. Базовые операции: Учеб. – практ. пособие. – М., 2002.
31. Замков О. и др. Математические методы в экономике. - М.: ДИС, 1998.
32. Иванов В. Основы этики и эстетики. - М., 1998.
33. Красников И. Этика делового человека. - М., 1999.
34. Ларионов Л. Этика банкира. - М., 1997.
35. Пушьяков А. Рабочий стол банкира. - М., 1997.
36. Жукова Е.Ф. Деньги, Кредит, Банки, Ценные бумаги Практикум: Учебное пособие. - М., 2001.
37. Жукова Е.Ф. Деньги, Кредит, Банки. Учебник. - М.: ЮНИТИ, 2001.
38. Зульяров А. Банк хукуки. - Т.: Молия, 2000.
39. Ибратов Б. Тадбиркорлик хукуки. - Т.: Молия, 2001.
40. Казимачомедов А.А., Ильясов С.М. Организация денежно - кредитного регулирования. - М., 2001
41. Капитоненко В.В. Инвестиции и хеджирование. Учебное прак. пособие для вузов. - М., 2001.
42. Муллажанов Ф. Банк тизими – Т., 2001.
43. Ларионова И.В. Реорганизация коммерческих банков - М., 2000.
44. Нормативные акты по банковской деятельности за 1998, 1999, 2000, 2001 гг. - Т., 1997.
45. Матдин А.М. Деньги и экономические решения. - М., 2001.
46. Миллер Л.Р., Девид Д.Ван - Хуз.Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – М.: ИНФРА, 2000.
47. Оксфордская иллюстрированная энциклопедия. 9т. 3 - 2 - е изд. испр. Всемирная история. С древнейших времен и др. - М., 2000.
48. Попов В.В. Банки на переходе - М., - 2001
49. Парфенов К.Г. Банковский план счетов и правила ведения бухгалтерского учета. - М., - 2001
50. Ершов М.В. Валютно - финансовые механизмы в современном мире. – М.: ОАО МПО, 2001.
51. Захаров К.В. и др. Логистика, эффективность и риски внешнеэкономических операций. –М.: ИНЭКС, 2001.
52. Костюнина Г.М. Международная практика регулирования иностранных инвестиций. Уч. пос. – М., 2001.
53. Курочкин Д.Н. Евро - новая валюта Старого Света.–М., 2000.
54. Кратко И.Г. Международная предпринимательство. Учеб. пос. - М., 2001.

55. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке - М.: Финансы и Статистика, 2002.

Интернет сайтлари:

56. www.banking.com – минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.
57. www.banking.com/aba/ - Америка банклари ассоциацияси.
58. www.state.ct.us/dob – Коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва қўриқлаш тизими.
59. www.arraydev.com/commerce/JIBC/ - интернет банкинг ва коммерция журнали.
60. www.bankingtech.com/ - банк технологиялари
61. www.thebankingchannel.com/ -
62. <http://www.bankeferatov.ru/> - Рубрика «Рефераты, курсовые, дипломы на тему «Банковское дело»
63. <http://books.listsoft.ru/book.asp?cod=10298&rp=4&up=1> – Перевод популярного в Англии учебного пособия по изучению банковского дела, используемого при подготовке к сдаче квалификационных экзаменов.
64. http://www.bizcom.ru/bank_business/index.html – виртуальное издательство различных бизнес публикаций в том числе и по «Банковскому делу».
65. http://www.ibi.spb.ru/obrazovat/Mba/Mba_info.html – Программа «Магистр банковского дела и финансов»
66. http://www.zhurnal.ru/5/vir_tech.htm – НОУ - ХАУ ВИРТУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, раздел « Банковское дело»

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1999 - 2003 йиллар.
2. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари. 2000 - 2003 йиллар.
3. Бор М. Практический курс бухгалтерского учета в современном банке. - М., 1996.
4. Гафарлы М.С. и др. Узбекская модель развития. - М., 2000.
5. Дж. Менвиль Харрис. Международные финансы. - М., 1996.

6. Купчинский В.А. Система управления ресурсами банка. - М.: Экзамен, 2000.
7. Ломагин Н.А. и др. Введение в теория международных отношений и анализ внешней политики. Учеб. пос. - М., 2001.
8. Мировая экономика, международные экономические отношения. Серия учебников. Учеб пос. Под ред. Аковопой. Е.С. –М.: Феникс, 2001.
9. Международные экономические отношения. Под ред. Ливенцева Н.Н. - М., 2001.
10. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под ред. проф. В.П. Колесова и др. - М.: Флинта, 2001.
11. Пивоваров А.Г. Англо - русский словарь по внешней торговле и международный транспортным операциям. - М., 2001.
12. Погорлецкий А.И. Экономика и экономическая политика Германии в XX веке. - СП - б., 2001.
13. Постников С.Л. Мировая экономика и экономическая положение России. Сборник по статистике. - М., 2001.
14. Риски финансового сектора Росийский Федерации. Практ. пос. –М.: ФСИ, 2001.
15. Сидельникова Л.Б. Аудит коммерческого банка. - М., 1996.
16. Стригин А.В. Мировая экономика. – М.: Экзамен, 2001.
17. Тавасиев А.Н. Банковское дело: управление и технологии. - М., 2001.
18. Хамедов И.А. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. –Т.: Ўзбекистон 2001
19. “Бозор, пул ва кредит” журнали. 2001 - 2003 йиллар.
20. “Иқтисод ва ҳисобот” журнали 2001 - 2003 йиллар.
21. “Банк ахборотномаси” газетаси 2002 - 2003 йил сонлари.